

# ШХТ эксперт форуми ҳамкорлик истиқболларини белгилади



**29 сентябрь куни видеоконференция шаклида ШХТ форумининг XV йиғилиши бўлиб ўтди. Қирғизистон стратегик тадқиқотлар миллий институти ва ШХТ Котибияти ҳамкорлигига ташкил этилган онлайн-учрашувда ШХТ Бош котиби, Қирғизистон Республикаси бош вазири ўринбосари иштирок этди.**

Онлайн-форум ташкилотга аъзо 18 та давлатлар етакчи тадқиқот институтларининг 35 нафар эксперталари ва мутахассислари иштирокида ўтказилди. Ҳиндистон халқаро ишлар кенгаши, Нурсултон Назарбоев жамғармаси ҳузуридаги жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати институти, Хитой халқаро муаммолар академияси, Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар маркази шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро Институти ҳамда Халқаро муносабатлари ахборот-таҳлил марказининг етакчи эксперталари иштирок этишди.

ШХТ Форуми кенг қиррали учрашув бўлиб, у Ташкилот фаолиятига кўмаклашиш ва илмий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Форум ШХТ фаолиятидаги вазифалар ва тамоилларни тушунтириш, сиёsat, хавфсизлик, иқтисодиёт, экологик ва янги технологиялар, гуманитар ва бошқа соҳалардаги олимлар ва эксперталар ўртасидаги алмашинувларни рағбатлантиришда платформа вазифасини ўтайди.

Онлайн-мулоқотда ШХТ маконида юзага келган вазият, мавжуд таҳдидлар, кўп томонлама ҳамкорликни ривожалантириш учун янги ёндашувлар, пандемия даврида Ташкилот доирасида барқарор тинчликни қуриш юзасидан фикр алмашилди.

ШХТ Бош котиби Владимир Норов иштирокчиларни қутлар экан, коронавирус пандемияси ШХТ га аъзо бўлган иштирокчи давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига замонавий таҳдидларнинг трансчегаравий ва кенг кўламли хусусиятини намойиш этганини қайд этди.

Ушбу вирусли касалликнинг вайронкорлик кучи ҳар қандай террорчиллик ҳаракатидан анча кучли эканини кўрсатди.

В.Норов ШХТнинг иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал этишдаги роли анча кучайганини қайд этди. Ташкилот ўз фаолияти давомида минтақада муносабатлар ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашда муҳим омилга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро Институти директор ўринбосари Санжар Валиев конференция очилишида сўзга чиқиб, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш муҳим эканини таъкидлади.

С.Валиев биологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорликнинг самарали механизmlарини яратиш, янги эпидемиологик таҳдидларга биргаликда тайёргарлик қўриш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Экспертнинг фикрича, бугунги кунда ШХТ олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатларини тубдан кучайтиришдир. Унинг сўзларига кўра, «ШХТ халқлари пандемия туфайли юзага келган инқирознинг оғир оқибатларини бошдан кечириб, пандемиядан зарар кўрган иқтисодиёт тармоқларининг тикланиши бўйича саъй-ҳаракатларни кутишмоқда».

С.Валиевнинг фикрича, келишувларни тезлаштириб, Марказий Осиёда инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни бошлаш зарур. Минтақада транспорт йўллаклари тармоғини қуришни давом эттириш, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун банк-молия институтларини ташкил этиш керак.

Бу борада Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази вакили Кристина Жўрақулова Ўзбекистон ШХТ билан иқтисодий кооперацияни ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди. Экспертнинг

сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ташкилот иштирокчилари билан товар айланмаси ўсиши кузатилмоқда. 2019 йилда товар айланмаси ҳажми 2018 йилга нисбатан 20%га ўсган.

2020 йилнинг 8 ойи якунларига кўра, Хитой (16,4%), Россия (14,6%) ва Қозоғистон (7,2%) йирик ташқи савдо шериклари бўлишган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро Институтининг бўлим бошлиғи Саъдулло Расулов сўзга чиқиб, коронавирус инфекциясига қарши курашда ташкилотга аъзо давлатлар тибиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида юксак даражада бирдамлик, давлатлараро ҳамжиҳатликни намойиш этганикларини таъкидлади.

Унинг таъкидлашича, Россия ва Хитойда вакцинанинг яратилиши ШХТ га аъзо давлатларнинг юксак технологик салоҳиятидан дарак беради.

Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази президенти Сайд Ҳалид Жаффари ШХТ ва БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф этди.

Шу билан бирга, россиялик ва ҳиндистонлик эксперталар хавфсизлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликка қарамай, ШХТ доирасида иқтисодий кооперация салоҳияти охиригача рўёбга чиқарилмаётганини қайд этишди. Хитой ҳалқаро муаммолар академияси вице-президенти Жун Ин ва Нурсултон Назарбоев жамғармаси ҳузуридаги жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати институти корпоратив фонди жамғармаси директори Е.Салтибоев ҳам шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлашди.

Умуман олганда, форум ташкилотнинг муҳим тадбирларидан бири бўлди. Эксперталар фикр алмасиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни янгилаш, пандемия туфайли тўхтаб қолган сайёҳлар оқимини ривожлантириш бўйича долзарб таклифларни илгари суришди. Қирғизистон стратегик тадқиқотлар миллий институти директори Э.Каптагаев қайд этганидек, форум йиғилишида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий вазифаларни ҳал этишда янги йўналишларни ишлаб чиқиша ҳисобга олинади.

## **Манба**